

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОКИРОВА МАҲБУБА НАЗИРҒУЛОМОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ «СПОРТ» СЕМЕМАЛИ БИРЛИКЛАРНИНГ
СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Шокирова Махбуба Назиргуломовна

Ўзбек тилидаги «спорт» семемали бирликларнинг структур-семантик тадқиқи 3

Шокирова Махбуба Назиргуломовна

Структурно-семантическое исследование единиц со семемой «спорт» в узбекском языке 21

Shokirova Mahbuba Nazirgulomovna

Structural-semantic study of units with the sememe «sport» in the uzbek language 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОКИРОВА МАҲБУБА НАЗИРҒУЛОМОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ «СПОРТ» СЕМЕМАЛИ БИРЛИКЛАРНИНГ
СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2019.1 PhD/Fil 697 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.fdu.uz ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилди

Илмий раҳбар:

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Улуқов Носиржон Мухамадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Мадрахимов Илҳомжон Собирович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (+99873) 244-44-29; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.ru.)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (+99873) 244-44-02.

Диссертация автореферати 20__ йил «___» _____ куни тарқатилди.

(20__ йил «___» _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

А.Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

И.Ҳожалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол. ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги луғавий бирликларнинг системавий-структур, терминологик ва лексикографик хусусиятлари бўйича катта тажрибага эга. Турли соҳаларга оид лексемаларнинг мақомини белгилашда уларни лексик-семантик гуруҳларга ажратиш, жумладан, спортга оид соҳавий бирликларни семантик жиҳатдан ёритиш, унинг ассоциатив ва лингвомаданий жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмокда.

Дунё тилшунослигида соҳавий бирликларнинг умумий лексик системадаги ўрнини белгилаш, уларга ономасиологик нуқтаи назардан ёндашиш, замонавий спорт билан боғлиқ тушунчаларни мазмуний майдон сифатида ўрганиш, мазкур луғавий қатламнинг типологик таснифини амалга ошириш ҳамда уларни халқ маданияти билан боғлиқ миллий хусусиятларини жиддий ўрганиш тилшунослик соҳасидаги зарурий масалалардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг турли соҳалари, терминологияга оид луғавий бирликларни тадқиқ этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган. Глобаллашув шиддат билан кечаётган ҳозирги мураккаб замонда нафақат сўз қабул қилиш, шунингдек, миллий спорт турларини оммалаштириш, жаҳон сахналарига олиб чиқиш, уларда ўзбекча терминларнинг қўлланиш меъёрларини ишлаб чиқишга эҳтиёж катта. «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда «илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш»¹ масаласи алоҳида таъкидланган. Шу жиҳатдан, ўзбек тилидаги спорт терминологияси ва соҳавий лексиканинг лисоний хусусиятларини тадқиқ қилиш бугунги кунда жуда муҳим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сон Қарори, «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 21 октябрдаги Президент Фармони ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида спортга бўлган эътибор, спортнинг давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнининг юксак баҳоланиши бу соҳада кўплаб ўзгаришларнинг амалга оширилишига сабаб бўлди. Сўнги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи, 2019, 22 октябрь, № 218 (7448).

йилларда ўз амалий ижросини намоён этиб келаётган Ўзбекистон Конституцияси, шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги ва «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунлар, 2017 йил 16 майдаги «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Фармони, 2017 йил 3 июн даги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Қарори, 2017 йил 2 октябрдаги «Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони ва Хукумат қарорлари Республикамизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш суръатини жадаллаштиришга қаратилган ҳуқуқий-моддий имкониятларни яратиб бермоқда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълум тилдаги соҳа лексикасини атрофлича ўрганиш, уларнинг бирор тилнинг умумий лексикаси таркибий қисми сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш борасида анча ишлар амалга оширилган. Турли соҳалар лексикаси ва терминологиянинг назарий муаммоларини ўрганиш ўзбек тилшунослигида С.Иброҳимов², Т.Нуъмонов³, Х.Бакаева⁴, Р.Дониёров⁵, Ҳ.Дадабоев⁶, К.Сапаев⁷, Х.Шамсиддинов⁸, А.Мадвалиев⁹, А.Собиров¹⁰, Х.Жабборов¹¹, Э.Жабборов¹², М.Абдиев¹³, М.Ахатова¹⁴, Г.Ғуломова¹⁵, Н.Икромова¹⁶, Х.Джамалханов¹⁷, А.Джурабаев¹⁸, Т.Ходжамбердиев¹⁹,

² Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. II-III. – Тошкент: Фан, 1959.

³ Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971.

⁴ Бакаева Х.Дж. Терминология золотошвейного производства Бухары и Гиздувана: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971.

⁵ Дониёров Р. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе. Дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1988; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977.

⁶ Дадабоев Х. Военная лексика в староузбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981.

⁷ Сапаев К. Строительная терминология узбекского языка: Автореф. дис. ...канд. филол. наук – Т., 1984

⁸ Шамсиддинов Х. Термины в художественной речи: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984.

⁹ Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986.

¹⁰ Собиров А.Ш. Термины узбекских народных зрелищ: АКД. – Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988

¹¹ Жабборов Х. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 1996;

Жабборов Х. Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси: Филол. фан. докт.... дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

¹² Жабборов Э. Ўзбек халқ ўйинлари лексикаси (Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида): Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 1998.

¹³ Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.

¹⁴ Ахатова М. Ўзбек тилининг ёғочсозлик терминологияси: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

¹⁵ Ғуломова Г. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 2005.

¹⁶ Икромова Н. Узбекская кулинарная лексика: Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983.

¹⁷ Джамалханов Х.А. Из истории формирования и развития ботанической терминологии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1968.

¹⁸ Джурабаев А. Названия свадебных церемоний в узбекском языке (на материале андижанском группы говоров): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1971.

¹⁹ Ходжамбердыев Т. Животноводческая лексика узбекского языка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975.

Т.Турсунова²⁰, З.Мирахмедова²¹, И.Пардаева²², М.Саидова²³, Ш.Усманова²⁴, И.Юлдашев²⁵, О.Ўринова²⁶, Ғ.Исмаилов²⁷, А.Тўрахожаева²⁸, Х.Бердиев²⁹, Х.Нарходжаева³⁰, Ш.Норбаева³¹, Н.Пазлитдинова³², З.Джурабаева³³, И.Эрматов³⁴ ва бошқаларнинг тадқиқотларида акс этган. Хусусан, спорт терминологияси бўйича мавжуд тадқиқотларда спорт алоҳида тушунча сифатида бошқа фанлар, жумладан, тарих, жисмоний маданият фанлари нуқтаи назаридан ўрганилган. «Спорт» семемали бирликлар тилшунослик юзасидан лексикография бўлимида қисқа таҳлил қилинган бўлса-да, бу бирликларни муайян парадигма сифатида олган ҳолда, унинг узвлари ўртасидаги лингвистик муносабатларни изчил ўрганиш, уларнинг лингвомаданий хусусиятларини таҳлил қилиш шу кунга қадар монографик тарзда мутахассислар эътиборини тортган эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Тилни система сифатида тадқиқ этиш» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги «спорт» семемали бирликларнинг умумий лексик системадаги ўрнини белгилаш, семантик таҳлилга тортиш ва уларнинг лингвомаданий хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

ўзбек тили луғат таркибидаги «спорт» семемали бирликларнинг муайян парадигмага бирлашиш асосларини аниқлаш;

²⁰ Турсунова Т. Меъморлик терминларининг лексик-грамматик тадқиқи. – Тошкент, 1984; Турсунова Т. Ўзбек тили амалий санъат лексикаси. – Тошкент: Фан, 1978.

²¹ Мирахмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. Тошкент, 1994.

²² Пардаева И. Ўзбек тилининг заргарлик терминологияси: Филол. фан. номз.... дисс. – Тошкент, 1994.

²³ Саидова М.Ш. Наманган шеваларидаги қариндошлик терминларининг лексик-семантик таҳлили: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 1994.

²⁴ Усманова Ш. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи: Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

²⁵ Юлдашев И.Ж. Ўзбек китобатчилик терминологияси: шаклланиши, таракқиёти ва тартибга солиш: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. Тошкент, 2005.

²⁶ Ўринова О.Т. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик тадқиқи. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

²⁷ Исмаилов Ғ. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин хосил бўлиши: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

²⁸ Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг таракқиёти: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2012.

²⁹ Бердиев Х.Х. Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа докт... дисс. автореф. – Самарқанд, 2017.

³⁰ Нарходжаева Х.Ш. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик хусусиятлари: Филол. филол. фан. бўйича фалсафа докт.. дисс.автореф. – Тошкент, 2017.

³¹ Норбаева Ш.Х. Хоразм шеваларидаги кийим-кечак номларининг структур-семантик тадқиқи: Филол. филол. фан. бўйича фалсафа докт.. дисс.автореф. – Тошкент, 2017.

³² Пазлитдинова Н.З. Ўзбек тили фитонимларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа докт.. дисс.автореф. – Фарғона, 2018.

³³ Джурабаева З.А. Ўзбек тилида экологик терминлар: Филол. фанл. бўйича фалсафа докт.. дисс.автореф. – Тошкент, 2018.

³⁴ Эрматов И.Р. Ўзбек тилшунослик терминларининг шаклланиши ва таракқиёти: Филол. фан. бўйича фалсафа докт.. дисс.автореф. – Тошкент, 2019.

лексик системадаги спорт терминлари ва соҳавий лексик бирликларнинг истеъмол даражасини ёритиш;

«спорт» семемали шахс, предмет ва жараён номларини англатувчи бирликларнинг семантик ва валент хусусиятларини кўрсатиш;

ўзбек тили спорт терминологиясида мустақиллик йилларида юз берган ўзгаришларни очиб бериш;

ўзбек миллий спортга доир лексемаларнинг шаклланишида инсон омилининг аҳамиятини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбек тилидаги «спорт» семемали бирликлар тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади. Мустақиллик даврида яратилган луғатлар, спорт тушунчаси ёритилган дарслик ва журналлар муҳим манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги «спорт» семемали луғавий бирликларнинг структур таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертациянинг методологик асосини жамиятнинг доимий тараққиётда эканлигини акс эттирувчи фалсафий қарашлар, билиш назарияси ҳақидаги тушунчалар ташкил этади. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, зидлаш, қиёслаш, компонент ва контекстуал таҳлил, семантик-стилистик ва социолингвистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

ўзбек тили умумлисоний лексикаси, спорт соҳавий бирликлари ва терминологик қатламга доир луғавий бирликларнинг истеъмол даражаси очиб берилган;

«спорт» семемали шахс, предмет ва жараён номларини англатувчи лексемаларнинг семантик белгилари аниқланган;

соҳавий бирликлар таркибидаги *курашмоқ, тепмоқ, югурмоқ, сакрамоқ* сингари лексемаларнинг синтагматик муносабати орқали уларнинг локал ва темпорал валентликлари асосланган;

ўзбек миллий кураши ва от спортга доир *улоқ, кўпқари, кураш, қиличбозлик* каби луғавий бирликларнинг лингвокультурологик асослари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги «спорт» семемали лексемаларнинг семантик-структур тадқиқи амалга оширилиши натижасида олинган хулосалар ўзбек лексикографияси, семасиологиясини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши, терминология ва соҳавий лексик системага доир тадқиқотлар яратишда хизмат қилиши асосланган;

луғат таркибидаги спорт терминлари ва соҳавий лексик бирликларнинг семантик, лингвомаданий хусусиятларига оид натижалар ўзбек тилшунослиги, лексикология соҳаси учун муҳим назарий қарашларнинг шаклланишига асос бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, тавсифлаш, компонент, семантик таҳлил каби усуллар билан асослангани, «спорт» семемали лексемаларни изоҳлашда ўзбек тилининг изоҳли луғатларига таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация натижалари ўзбек тили семасиологияси, миллий луғатчилигимиз, терминология ва соҳавий лексик системанинг тараққий этишида, уни илмий-назарий тавсиялар билан бойитишда муҳим назарий манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти семасиология, лексикография, терминологияга доир муаммоларни ҳал этишда, соҳа луғатлари яратишда, миллий спорт билан боғлиқ тушунчаларни такомиллаштиришда, спорт тарбиявий ишларини ривожлантиришда катта амалий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги «спорт» семемали бирликларнинг структур-семантик ва лингвокультурологик тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

терминологик лексикасининг тараққиёти, соҳавий лексик системанинг семантик хусусиятлари, спорт терминларининг лингвистик табиати билан боғлиқ натижалардан 2017-2018 йилларда бажарилган И-2017-1-14/3 рақамли «Ўқувчи ёшлар учун олимпия таълимининг самарали тизимини яратиш» номли инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3706-сон маълумотномаси). Натижада спорт терминлари, умумтил материалларидан тўғри ва самарали фойдаланишга эришилган, зарурий ўринларда уларнинг ўзбекча муқобилига алмаштиришда фойдаланилган;

ўзбек тилидаги спортга оид тушунчаларнинг лингвокультурологик таҳлиliga доир назарий қарашлар, амалий тавсиялардан 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-099 рақамли «Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизлигини таъминлаш концепцияларининг аҳамияти» номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3706-сон маълумотномаси). Натижада халқ ўйинлари, миллий спортга хос сўзлар, умумтил материалларидан ўринли фойдаланишга эришилган;

тадқиқот натижаси сифатида «Спортга оид тушунчаларнинг идеографик луғати» тузилган (ФарДУ Кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 2-сон йиғилиши қарори). Луғатдан филология ва спорт-тарбиявий иш йўналиши талабалари фойдаланишмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 6 та, 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 14 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 134 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Спорт**» терминологияси ва соҳавий лексик система» деб номланган бўлиб, унда дастлаб структур таҳлил усуллари ва унинг ўзбек тилшунослигига татбиқи ҳақида сўз юритилади.

XIX-XX асрларга келиб тилшуносликда тилнинг системавий табиатга эгаллиги, унинг қурилиш хусусиятлари, тил сатҳлари, сатҳлар бирликларининг парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатлари муаммоларини ўрганиш борасида улкан ютуқларга эришилди. Машҳур тилшунос Ф.де Соссюр томонидан илгари сурилган тил ва нутқ дихотомияси илмий назарияси тилшуносликка оид бир қанча муаммоларни ҳал қилишда кўл келди. В.М.Солнцев, Ю.Степанов, В.Б.Касевич, Т.П.Ломтев, Л.А.Новиков, Л.М.Васильев, ўзбек тилшуносларидан Ш.Раҳматуллаев, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов ва бошқаларнинг илмий ишларида тил ва нутқ дихотомияси, тилнинг системавийлик табиати турли сатҳлар мисолида асослаб берилган.

Структур тилшуносликда лексик-мазмуний гуруҳлар марказидаги луғавий бирликларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш масаласи муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Мазмуний алоқа турларига синонимия, антонимия, гипонимия, партонимия, градуонимия, функционимия, иерархонимия кабилар киритилади.

Ишнинг биринчи бобида «спорт» семемали бирликлар спорт терминологияси ва спорт соҳавий лексик бирликлари сифатида ажратилади. Ўзбек тилшунослигида турли соҳаларга доир луғавий бирликларни махсус ўрганиш, уларнинг ҳар қайсисига хос хусусий ҳолатларни тадқиқ этишга бағишланган ўнлаб ишлар мавжуд. Юқоридаги илмий манбаларда термин тушунчаси турлича талқин этилади. Термин, терминология бўйича мукамал тадқиқотлар олиб борган олимлардан бири А.Мадвалиев терминга шундай таъриф беради: «Термин чегараланган лексик қатламга мансуб луғавий бирлик сифатида терминологик тадқиқотларнинг асосий объекти, терминологик луғатлар яратишнинг муҳим манбаи ҳисобланади»³⁵.

Бизнинг тадқиқ ишимиз маълум соҳага тегишли тил эгаларига тушунарли бирликларни ўрганишга қаратилади, яъни «спорт» семемали умумистеъмол лексикасини ташкил этган сўзлар ва яхлит бирикмаларнинг ички бўлинишлари, нутқий воқеланишлари ҳамда лингвомаданий хусусиятларини аниқлашни мақсад қилиб олганмиз.

Ишда спортга оид халқаро терминлар хусусида ҳам сўз юритилади. Спортга оид халқаро терминлар қаторида инглиз тилидан ўзлашган терминлар

³⁵ Мадвалиев А. Термин ва терминография хусусида / Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. – 2017. – 29-бет.

катта салмоққа эга. Масалан, *спорт* сўзини оладиган бўлсак, спорт инглиз тилида бизга маълум бўлган «инсонлар ўзаро бир-бирига қарши баҳслашадиган фаолият тури», «ўйин»дан ташқари, «ов», «доимо ёрдамга шай одам» каби маъноларни ҳам билдиради³⁶. Байналмилал лексикада эса «Соғлиқни мустаҳкамлашга ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ўсишга қаратилган бадантарбия машқлари, шулар бўйича мусобақалар, кураш, туризм ва ш.к. мажмуи; жисмоний маданиятнинг таркибий қисми»³⁷ни ифодалайди.

Диссертацияда «спорт» архисемали лексик бирликлар қуйидаги мавзуй гуруҳларига ажратилади:

1. Спорт турларини ифодаловчи лексемалар.
2. Спорт анжомлари ва жиҳозларини ифодаловчи лексемалар.
3. Ҳаракат ва ҳолат белгили лексемалар.
4. Спорт мусобақаси ўтказиладиган майдон билан боғлиқ лексемалар.

Жумладан, спорт ўйинлари ўтказиладиган майдонлар *майдон, корт, стадион, мажмуа, трасса, арена, татами, гилам, бассейн, трап, ринг* каби номлар билан аталади. Бу атамалар очик-ёпиқлиги, ўлчамлари, қандай спорт турига мўлжалланиши билан ажралиб туради. Мазкур лексемалар спорт номлари майдонидан ташқарида ҳам қўлланилади. Бироқ спорт семемаси таркибига кирганда, уларнинг ўрин валентлигини тўлдиреди: *чим устида хоккей, муз устида хоккей*.

Шунингдек, *югуриши, чангида учуши, фигурали учуши* сингари спорт турларини билдирувчи бирликлар *асфальт, қор, муз* лексемаларининг «ўрин» семасига эга бўлиши учун восита бўлади.

Спорт соҳасида соҳавий лексиканинг ўрни салмоқли. Сабаби умумхалқ қўлланишидаги кўпгина бирликлар спорт терминологиясида ҳам термин сифатида қўлланади. Бу ҳолат спортнинг халқ ҳаётининг ажралмас қисми эканлиги, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқдир. Шунингдек, спорт журналистикаси соҳасининг ривожланиши айрим ўзлашма спорт терминларининг ўзбекчалаштирилишига сабаб бўлмоқда.

Биз «спорт» архисемали бирликларни соҳавий хосланишига кўра қуйидагича таснифлашни маъқул кўрдик:

1. Умумхалқ тилида ишлатиладиган лексемалар.
2. Умумилмий ва соҳавий лексикага оид лексемалар.
3. Спортга оид умумий лексемалар.

Ишда бу гуруҳга мансуб бирликлар батафсил таҳлил қилинади.

Диссертациянинг «**Спорт» семемали бирликлар семантикаси**» дейилган иккинчи бобида мазкур луғавий бирликларнинг ички бўлинишлари асосида компонент ва валент таҳлили берилади.

Спорт алоҳида соҳа сифатида узоқ йиллик ривожланиш тарихига эга эканини яхши биламиз. Қадим Юнонистондан то бугунги Англияга қадар *спорт* ўз ўрнига эга бўлиб келди.

³⁶ <https://www.ldoceonline.com/dictionary/sport>

³⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. – 2006. – 566-б.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида спортга бўлган эътибор, спортнинг давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнининг юксак баҳоланиши бу соҳада кўплаб ўзгаришларнинг амалга ошишига сабаб бўлди. Сўнгги йилларда ўз амалий ижросини намоеън этиб келаётган Ўзбекистон Конституцияси, шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги ва «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонунлар, 2017 йил 3 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Президент Қарори ва ҳукумат қарорлари республикаимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бозор муносабатларига мослаштириш ва уни ривожлантириш суръатини жадаллаштиришга қаратилган ҳуқуқий-моддий имкониятларни яратиб бермоқда.

2000 йилдан бошлаб ўтказилиб келинаётган кўп босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» каби оммавий спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шу билан бирга, спортга бўлган эътибор журналистика, тилшунослик олдига бир қатор вазифаларни қўймоқда. Спортга оид терминларни тўғри шакллантириш, уни тизимлаштириш, турли маҳаллий ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларини шарҳлаш кўникмаларини шакллантириш шулар жумласидандир.

Ишда «спорт» семемали бирликлар қўйидаги турларга ажратиб таҳлил қилинди:

1. Спорт турлари номларининг компонент ва валент таҳлили
2. «Предмет» семали бирликларнинг компонент ва валент таҳлили
3. «Шахс» семали бирликларнинг компонент ва валент таҳлили
4. «Жараён» семали бирликларнинг компонент ва валент таҳлили.

Спорт – тор маънода шахсий мусобақа фаолияти дейилса, кенг маънода шахсий мусобақа фаолияти шу фаолият асосидан келиб чиқадиган махсус тайёргарлик ҳамда унинг норма ва ютуқлари тушунилади³⁸. Спорт турлари ўзининг беллашув шакли ва қоидалари, ҳаракатлар таркиби, мусобақа фаолиятига баҳо бериш усулига турлича гуруҳланади. Диссертацияда ёзги ва қишки олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари олти гуруҳга бирлаштирилади.

1-гуруҳ – даврий характердаги ҳаракат фаолияти билан боғлиқ спорт турлари *сузиш, эшкак эшиш, енгил атлетика, велоспорт* ва бошқалар;

2-гуруҳ – асосан тезкорлик - куч сифатларини намоеън этишни талаб этувчи спорт турлари *сакраш, улоқтириш, оғир атлетика*;

3-гуруҳ – асосан ҳаракатларни мувофиқлаштириш билан боғлиқ спорт турлари – *бадший гимнастика, акробатика, сувга сакраш, батут, фигурали учииш* ва бошқалар;

4-гуруҳ – *яккакураш, бокс, кураш, қиличбозлик* ва бошқалар;

5-гуруҳ – спорт ўйинлари *футбол, хоккей, баскетбол, волейбол, сув поласи* ва бошқалар.

6-гуруҳ – *кўпкураш чанги икки кураши, енгил атлетика кўпкураши, замонавий бешкураш* ва бошқалар.

³⁸ Саломов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2005.

Спорт турлари номларини ифодаловчи бирликларни мусобақа натижаларини белгилаш усули бўйича ҳам таснифлаш мумкин:

А. Метр ўлчов натижаларига кўра спорт турлари номлари: *енгил атлетика, оғир атлетика, велоспорт, тоғ чангиси, чанги, от спорти* номлари ва бошқалар.

Б. Ўзининг аниқлиги, гўзаллиги, мазмундорлиги, ҳаракат амплитудасига кўра натижаси балл билан баҳоланган спорт турлари номлари – *гимнастика, акробатика, фигурали учииш* ва бошқалар.

В. *Яккакураш ва спорт ўйинлари* турлари номи.

Бу гуруҳга мансуб лексемалар вақт чекланиши белгисига кўра, ўз навбатида, яна гуруҳчаларга бўлинади: мусобақа фаолияти вақти чекланган турлар номлари: *футбол, хоккей, баскетбол, қўл тўпи* ва бошқалар; пировард натижа чекланган спорт турлари номлари: *волейбол, теннис, стол теннис* ва бошқалар; чекланган вақт тугагунча ғалабага эришиш мумкин бўлган турлар номлари: *бокс – нокаут, кураш – соф ғалаба*.

Г. Кўп қиррали характердаги спорт турлари номлари: *енгил атлетика кўпкураши, замонавий беикураш, биатлон, чанги, икки кураш* ва бошқалар³⁹.

«Спорт» семали бирликлар *ўйин* ва *иш-ҳаракат*ни ифодаловчи барча семемаларни қамраб олади ва бу семемалар спортнинг бажарилиш жараёнида янада аниқ юзага чиқади.

Масалан, тилимизда қўлланадиган қуйидаги сўзларни олайлик: *спорт, халқ ўйинлари, кураш, улоқ, югуриш, миллийлик, жасорат, мардлик* каби бирликларда «спорт» семаси турли поғоналардан жой олади. Бу эса объектив оламнинг инсон онгида акс этиши ва тилда ўз ифодасини топиши, объектив борликдаги элементларнинг оддийдан мураккабга қараб синфларга бирлашувчи ва бўлакларга бўлиниши билан боғлиқдир. «Спорт» семали бирликларда ҳам ана шундай жараёнлар мавжуд.

«Спорт» архисемали лексемаларни қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин: 1) спорт турлари номлари; 2) спорт жиҳозлари номлари; 3) спорт билан боғлиқ халқаро терминлар; 4) спорт билан боғлиқ ҳаракат ва ҳолат номлари.

Диссертацияда спорт турлари номлари қуйидагича лексик-семантик гуруҳларга ажратилади:

I. «Индивидуаллик» белгисига кўра:

1. Индивидуал спорт турларини ифодаловчи лексемалар.
2. Жамоавий спорт турларини ифодаловчи лексемалар.

II. «Воситалилик» белгисига кўра:

1. Воситали спорт турларини ифодаловчи лексемалар.
2. Воситасиз спорт турларини ифодаловчи лексемалар.

III. «Жисмонийлик» белгисига кўра:

1. Жисмоний куч билан боғлиқ спорт турларини ифодаловчи лексемалар.
2. Ақлий салоҳият билан боғлиқ спорт турларини ифодаловчи лексемалар.

³⁹ uz.denemetr.com

3. Бадиийлик яратишга асосланган спорт турларини ифодаловчи лексемалар.

IV. «Мақсад» белгисига кўра:

1. Марралли спорт турларини ифодаловчи лексемалар.
2. Нишонли спорт турларини ифодаловчи лексемалар.
3. Самарали спорт турларини ифодаловчи лексемалар.

V. «Мавсумийлик» белгисига кўра:

1. Мавсумий спорт турларини ифодаловчи лексемалар.
2. Доимий спорт турларини ифодаловчи лексемалар.

Масалан, «воситалилик» белгисига кўра: 1. Воситали спорт турларини ифодаловчи лексемалар. 2. Воситасиз спорт турларини ифодаловчи лексемалар. Спорт ўйини воситаларини курул, транспорт турларига ажратишимиз мумкин.

Восита тушунчаси остида курул тушунилса, ушбу гуруҳга *қилич, ракетка, эшак, милтиқ, камон, пистолет* кабиларни киритамиз.

Шуни таъкидлаш зарурки, «спорт» семемали бирликлар таркибига кирувчи *олимпиада, олимпия ўйинлари, спартакиада, тур, учрашув, финал, турнир, чемпионат, мусобақа, эстафета, рекорд, рейтинг, старт, ҳисоб, сингари «жараён» семали; спортчи, ҳакам, пешқадам, мастур, лидер, шиқибоз, мураббий, чемпион, рақиб, тренер* каби «шахс» семали; *медаль, кубок, соврин* сингари «предмет» семали бирликлар спорт турларидан қатъи назар, барча спорт турлари учун умумий лисоний бирликлар саналади.

Диссертацияда «предмет», «шахс», «жараён» семали бирликлар ҳам шу тарзда кенг таҳлил қилинади, уларнинг ички бўлинишлари, валентлиги аниқланади.

Спорт айнан инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи ижтимоий кўрсаткичлардан биридир. Шунинг учун ҳам «спорт» архисемали лексемаларни шахс тушунчасидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур ЛСГ доирасида «шахс» семали лексемалар ҳам мавжуд.

«Шахс» семали бирликларни майдон асосида ўрганган Ш.Искандарова шахс номларининг ички гуруҳлари, шахс майдонига мансуб бирликларнинг семик белгилари тўғрисида тўхталар экан, жумладан, «қобилият даражаси ва қобилият тури юзасидан фарқланган шахс номлари қатор семалари ёрдамида умумий хусусиятга эга бўлса-да, уларнинг маълум фарқловчи семалари лексемаларнинг ўзига хос белгиларини батафсилроқ ойдинлаштиришга йўл очади. Масалан, *файласуф*»⁴⁰. Бу ўринда олима *файласуф* лексемасининг икки семантик гуруҳга мансублигини таъкидлайди: биринчиси, борлиқни идрок қилиш даражаси юқори бўлган шахс, иккинчиси фалсафа мутахассиси.

«Спорт» семемали лексемалар доирасида, хусусан, шахс номлари таркибидаги қатор лексик бирликларни ҳам шу нуқтаи назардан фарқлаш мумкин: *мураббий, ҳакам, голиб* сингари шахс номини билдирувчи лексемалар бир томондан, «спорт» семемали шахс номи бўлса, иккинчидан, бошқа соҳаларга тегишли шахс номларини ҳам ифода этади: *спорт мураббийси*

⁴⁰ Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол. фан докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: 1999. – 30-б.

бирикмасида маълум спорт турида тарбияловчи, спортчини тайёрловчи шахс, *гуруҳ мураббийси* бирикмасида таълим муассасасида гуруҳга раҳбарлик қилувчи шахс маъносини англатади. Буларнинг умумий семаси «шахс», «тарбияловчи» саналади.

«Жараён» семали бирликлар таркибидаги *курашмоқ* лексик бирлиги бир қатор лексемалар билан синтагматик муносабатга киришади. Спорт лексик майдончасида унинг субъект, локал, восита валентликлари тўлдирилади.

Масалан: субъект валентлиги:

Агенс ва пациенс валентлиги тўлдирувчилари		Курашмоқ лексемасининг фаоллашаётган семаси
<i>Спортчи</i> (умумий субъект)	КУРАШДИ	«Спорт тури бўйича» «устунлик», «кўрсатиш», «мусобақа», «динамик», «шахсий»
<i>Полвон</i> (агенс)		«Йикитиш», «спорт», «шахсий», «динамик»
<i>Жамоа</i> (агенс)		«Спорт тури бўйича» «устунлик», «кўрсатиш», «мусобақа», «жамоавий», «динамик»
<i>Шахматчи</i> (агенс)		«Спорт тури бўйича» «устунлик», «кўрсатиш», «мусобақа», «шахсий», «статик»
<i>Мураббий</i> (пациенс)		«мақсад», «фаолият», «статик»

Жадвалдан кўринадикки, *курашмоқ* феъли *шахматчи*, *мураббий* лексемалари билан синтагматик алоқага киришганида статик характерга эга бўлади. *Полвон* лексемаси билан қўлланилганда, соф динамик феъл ҳисобланади. *Спортчи* лексемаси умумийлик касб этгани учун ҳам унда феъл ҳаракат ва ҳолатни ифодалаш мумкин. Шунингдек, ўрин (локал) валентлиги:

Локал валентлик тўлдирувчилари		Талаб қилинувчи субъект	«Курашмоқ» лексемасининг фаоллашаётган семаси
Гиламда	КУРАШДИ	Полвон	«динамик»
Майдонда		Жамоа	«динамик»
Жаҳон ареналарида		Спортчи	«динамик», «статик»
Жамоада		Мураббий, Сардор	«динамик», «статик»
Олимпиадада		Спортчи	«динамик», «статик»
Шахмат доскасида		Шахматчи	«статик»
Трассада		автопойгачи	«динамик»
Рингда		боксчи	«динамик»

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Миллий спорт турларини билдирувчи тушунчалар номлари**» деб номланади. Унда миллий спорт турларининг шаклланишини ифодаловчи лексик бирликлар, миллий кураш билан боғлиқ тушунчалар номлари ва от спорти билан боғлиқ тушунчалар номлари ҳақида фикр юритилади.

Ўзбек миллий спортини ифодаловчи тушунчалар орасида халқ ўйинлари лексикаси алоҳида ўрин тутди. Юқорида қайд этилганидек, ўзбек халқ ўйинларининг лексик хусусиятлари бўйича Э.Жабборов⁴¹, халқ томошалари юзасидан А.Собиров⁴²ларнинг монографик изланишлари мавжуд.

⁴¹ Жабборов Э. Ўзбек халқ ўйинлари лексикаси (Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида) : Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1998.

⁴² Сабиров А.Ш. Термины узбекских народных зрелищ: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988.

Ўзбек халқ ўйинларининг маълум ҳудудларга кўра, баъзан ёшга доир ўнлаб турлари ҳақида манбаларда етарлича маълумотлар берилган⁴³. Таъкидлаш зарурки, айрим жисмоний чиниқишга қаратилган ҳаракатли халқ ўйинларигина миллий спорт тури даражасига кўтарилган бўлиб, шунга кўра, диссертациянинг мазкур бобида миллий спорт ўйинларининг асоси бўлган халқ ўйинларини ифодаловчи айрим тушунчалар, лексик бирликлар таҳлиliga қисқача тўхталиб ўтилади.

Миллий ўйинлар тарихини ўрганишда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарининг ўрни беқиёс. Асарда халқ ўйинларининг бир юз элликдан зиёд тури тилга олинган. Жумладан, *қоранғуни* (қоронғида кўрғон олиш), *бандол* (асир олиш), *ўтиш-ўтиш* (давра ўйини), *чавгон* (тўп ўйини), *ўт бандал* (таёқ ўйини), *қиличбозлик*, *найзадорлик* ва бошқа ўйинлар ҳақида ҳам маълумот берилади. Луғатда изоҳ берилган ўйинларнинг бир нечаси ҳозирги кунда ҳам болалар учун қизиқарли машғулот саналади.

Халқ дostonлари халқ ўйинларини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. «Алпомиш» дostonида кураш, от, пойга, улоқ, найза санчиш, камондан ўқ отиш, қиличбозлик, мерганлик, «Кунтуғмиш» дostonида қилич чопмоқ, милтиқ отмоқ, чиришбозлик, кўпкаритозлик, найзадастлик, гаровбастлик каби жисмоний ва ҳарбий маҳорат турлари ҳақида сўз кетади. Бу спорт турлари тўйлар ва йиғинларда мусобақа тарзида ўтказилган, совринга катта нарсалар тикилган.

Бу ўйинлар кишиларда мардлик, жанговарлик, маънавий ва жисмоний комиллик каби фазилатларни камолотга етиштирган.

Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида кураш ва жисмоний машқларнинг киши бадантарбиясидаги ўрни, ўйиннинг шифобахш хусусиятлари ҳақида тўхталган: бир оёғида сакраш, қиличбозлик ва найзабозлик, отда юриш, икки кўлини силкитиш, ўзаро тортишиш, ёйдан ўқ отиш, тез юриш, найза отиш каби тез ҳаракатлар; арғимчоқда учиш, беланчакда учиш, қайиқ ва кемаларда сайр қилиш кабилар нозик ва енгил ҳаракат турларига; чапак чалиш, сакраш, найза санчиш, қувлашиш, тош кўтариш, копток билан ўйнаш кабилар бадантарбиянинг кучли турига киритилади⁴⁴.

